


## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 26506,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 % га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2020 йил январь-июнь ойларидаги нархларга нисбатан 115,0 % ташкил қилди.

***Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.*

2019-2020 йиллар учун ЯҲМ физик ҳажми ва дефлятор индекси динамикаси қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да).




**Январь-июнь ойларида ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари  
бўйича мутлақ ўсиш суръатлари**  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)




Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,2 %, (ЯХМ таркибидаги улуши - 23,9 %), саноат - 101,8 % (47,2 %), қурилиш - 101,6 % (5,1 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 100,0 % (6,8 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 98,3 % (4,6 %) ва бошқа хизмат тармоқлари - 99,9 % (12,4 %) ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 8979,7 минг сўмни ташкил этди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришсиз қолди.


**Январь-июнь ойларида аҳоли жон бошига  
ҳисобланган ЯХМ ҳажми  
(жорий нархларда, минг сўм)**




**Январь-июнь ойларида аҳоли жон бошига  
ҳисобланган ЯХМ ўсиш суръатлари  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)**



**Январь-июнь ойларида ЯҲМ ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг  
ялли қўшган қиймати ҳажми (млрд. сўмда)**





**Январь-июнь ойларида кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши  
(Ялли қўшилган қийматга нисбатан % да)**



**Январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМнинг ишлаб  
чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**

	млрд. сўм		Физик ҳажм индекси %да
	2019 йил январь-июнь	2020 йил январь-июнь	
<b>I.ЯҲМ-жами</b>	<b>22699,8</b>	<b>26506,3</b>	<b>101,5</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	21012,1	25312,8	101,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	1687,7	1193,5	100,8
<b>II.Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>21012,1</b>	<b>25312,8</b>	<b>101,6</b>
<b>Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги</b>	<b>4820,7</b>	<b>6040,6</b>	<b>103,2</b>
<b>Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>	<b>10926,3</b>	<b>13245,2</b>	<b>101,8</b>
саноат	9865,0	11956,3	101,8
қурилиш	1061,3	1288,9	101,6
<b>Хизматлар</b>	<b>5265,1</b>	<b>6027,0</b>	<b>99,6</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1536,6	1723,3	100,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1080,9	1164,9	98,3
бошқа хизмат тармоқлари	2647,6	3138,8	99,9

**Январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият  
турлари бўйича ЯҲМ таркиби**  
(жамига нисбатан % да)




Юқорида келтирилган диаграммада қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМ таркибидаги улуши 2019 йилдаги 22,9 % дан 2020 йилда 23,9 % га, қурилиш улуши 2019 йилда 5,1 % ни ташкил этган бўлиб, 2020 йилда 5,1 % ни ташкил этиб ўзгаришсиз қолганлигини кўриш мумкин. Саноат улуши 46,9 % дан 47,2 % га ошди.

Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши эса 25,1 % дан 23,8 % га камайди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 6,8 % ни (2019 йил январь-июнь - 7,3 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 4,6 % ни (5,1 %), бошқа хизмат тармоқлари - 12,4 % ни (12,7 %) ташкил этди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 48,7 % и кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2019 йил январь-июнь ойларида 49,4 % ни ташкил қилган.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби**  
(жамига нисбатан % да)



ЯХМ ўсиш суръатига хизматлар соҳасининг таъсири - 0,1 ф.п. ташкил этди. Ушбу соҳада кўшилган қийматнинг 0,4 % га камайиши кузатилди. Шундан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришсиз қолди, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 1,7 % га ва бошқа хизмат тармоқлари 0,1 % га камайди.

Қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 1,6 % га ўсди. ЯХМ нинг мутлоқ ўсиши қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,1 ф.п. даражасида баҳоланди.

2020 йилнинг январь-июнь яқунларига кўра қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 3,2 % даражасида ижобий ўсиш суръати қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯХМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,6 ф.п. ни ташкил этди.


**2020 йил январь-июнь ойларида ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси**  
(жамига нисбатан % да)



2020 йил январь-июнь ойларида ЯХМ дефлятори индекси 2019 йил январь-июнь ойларидаги нархларга нисбатан 115,0 фоизни ташкил этди. ЯХМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 121,4 %, қурилишда – 119,5 %, саноатда – 119,1 % қайд этилди.



**Январь-июнь ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият  
турлари бўйича дефлятор индекси**  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** - миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудуддида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

**Аҳоли жон бошига (ЯҲМ)** муайян даврда жорий нархлардаги ЯҲМ ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

**Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚК)** ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

**Маҳсулотлар учун солиқлар** - товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

**Маҳсулотлар учун субсидиялар** - давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

**Маҳсулотлар учун соф солиқлар** маҳсулотлар учун солиқлардан маҳсулотлар учун субсидияларни айириш орқали аниқланади.

**ЯҲМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати)** доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯҲМни (реал ЯҲМ), жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯҲМга нисбати орқали ҳисобланади.

**ЯҲМ дефлятор индекси** - иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯҲМнинг (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯҲМ) реал ЯҲМга нисбати орқали ҳисобланади.